

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти  
ягона акциядорининг Ўсонли қарори**

Тошкент шаҳри

2017 йил “14” сентябр

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун ҳамда жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги матнда ДАБМ) ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг юқори бошқарув органининг ваколатига қирадиган қуйидаги масала бўйича қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

**Кун тартиби:**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти шахсий таркиби учун формали кийим-бош тўғрисида Низомни тасдиқлаш.

**Кун тартибидаги масала бўйича** “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари А.С.Шукуровнинг жамият шахсий таркиби учун формали кийим-бош тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш юзасидан таклифи тингланди (илова қилинади) ва акциядор томонидан қуйидаги **Қарор қабул қилинди:**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти шахсий таркиби учун формали кийим-бош тўғрисидаги Низомни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**“Ўзбекистон темир йўллари”**

**АЖ ягона акциядори -**

**Давлат активларини бошқариш  
маркази бош директори в.в.б.**



**Миралиев А.Э.**